

Рамазондаги танбеҳлар

15:33 / 29.05.2017 3572

Рамазондаги танбеҳлар

Баъзи рўзадорлар ифтор пайтидаги дуодан ғафлатда қолишлари хатодир. Ифтор пайтидаги дуо суннатдир. Чунки, бунда рўзадор учун улкан фазл бор ва ундаги дуо рад этилмас. Рўзадорнинг ифтор пайтидаги дуоси ижобат қилингандир. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

"Уч дуо рад этилмайди; отанинг дуоси, рўзадорнинг дуоси ва мусофирнинг дуоси", деганлар.

Имом Аҳмад ривояти.

Оғизни очгач қуйидаги дуони айтиши ҳам суннатдир:

«Заҳаба аз-зама`у вабталлатил уруқу ва сабатал ажру иншааллоҳу».

(Маъноси: Чанқоқлик кетиб, томирлар ҳўлланиб, Худо хоҳласа, ажр собит бўлди.)

Абу Довуд ривояти.